

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Мусаввир Хикмат Рахмонов 80-йилларда «Ўсма» картинасини яратиб муҳлислари олқишига сазовор бўлганди.

Хикмат Рахмонов миллийликдан гапирар, ибратли оdatларимизни жўшиб-жўшиб мактарди. Оила, қўша қаришлар, меҳр-муҳаббат, ҳурмат-иззатдан гапирарди. Кўпгина халқлар, бошқа миллатлар орасида ўсман аёлларимиз ниҳоятда севиши, қизчалардан тортиб, момоларгача қошларига ўсма кўйишлари ва унинг хусусияти ҳақида тушунтирарди.

Ўсма тарихидан маълумотлар берсак, луғатлардан маълум бўлишича олтишдан ошдиқ тур бор экан. Ев-

кунларда ўсма кўйилса, бош оғримас, кўриш қобилияти равшан бўлар экан, ҳам руҳиятни кўтарар экан. Ўсманнинг яна бир хусусияти шундаки, аёллар ҳароратини ўлчаб, синаб кўрар экан. Ўсманнинг қошда қолиш-қолмаслиги аёлларнинг тана ҳароратига боғлиқ экан. Ўсма нафақат қошга, киприк, катта-кичик ҳоллар устига ҳам кўйилса ярашқили ҳолларга хусн бераркан. Ўсманни одатга кўра офтобда озгина сўлтиб сўнг кўйилса унинг суви худди

«Ўсма» картинаси

роосиб, Шимолий Африкада ўсиши ҳақида айтилади. Фарбий Европада рассомлик санъати тараққий этгани учун бўлса керак, ўсма таркибидан нилый буюқлар олинган. Илгарии луғатлар бўлгани учун ўсмага аҳамият берилмаган. Лекин Ўзбекистонда ўсманнинг ардоқлини ҳақида очик ойдин айтилган.

Ўсманнинг ниҳоятда қадрланганини Ўзбекистон Давлат санъат музейидаги ўсмадон турларидан ҳам билиш мумкин. Хоналарнинг бирига қўйилган ўзбек халқ ҳунармандлигида пайдо бўлган бу ўсмадон дунё халқларини қизиқтирмакда. Маълумки, ўсма Шарқда кенг тарқалган, шох сарайларида ҳам қадрланган. Маликалар қошлариға өз бошланиси билан галма-галдан ўсма кўйишган.

Музейдан ўрин олган махсус «Ўсмадон» XIX аср бошларида Кўчонда, кейинчалик республикамизнинг бир нечта шаҳарларида мисдан кашф этилган. Бу буюм ихчам, чиройли, бежирим бўлиб, ўсма кўйиш учун чўплари ҳам бўлган.

Ўсма қўйган аёллар кўзага яқин, чиройли, ифратли қўринишган. Айниқса, иссиқ

нилий буюқларга ўхшаб куюқ тортиши аниқ. Қошда ўсма қотиб қолмасдан ювиб ташланади.

Ўсмага қизиққан қизлар ва аёллар жуда кўп. Қайси ўзбек хонадонида бўлмаган ҳовлисининг бир чеккасида ўсмадон ўсиб турганини кўриш мумкин.

Халкимиз орасида ўсма ҳақида қўшиқ ва лапарлар ҳам мавжуд:

**Ўсма экдим откулоқ
Униб чиқди бир кулоқ.
Отам санга бермайдик
Кетавер шалпанкулоқ.**

Эки шоирнинг «Боқади қиё-қиё, қошига ўсма кўйиб» деб таърифлаганича бор.

«Ўсма» картинасида тасвирий санъатнинг манзара, натюрморт, портрет жанрлари мужассам. Композицион жиҳатдан сингий кетган. Асарда тасвирий санъатнинг кўнун-қоидаларига, картина усулига амал қилинмагандек туюлади. Фазовий кенглик йўқ. Бунинг сабаби асар картина дейилсада, портрет усулида яратилган. Бу фикрларимиз мусаввирнинг хатоси эмас, композицион томонидан тўғри ёндошилганидир.

Махмуд РАМАЗОН

ТАЪЛИМ

**Телетиббиёт:
Истиқбол сари**

XX аср илмий мўъжизаси бўлган кибернетика тўфайли кўплаб йирик кашфиётлар юзага келди. Эндиликда тез-тез ташфиётланган «Телевизион тиббиёт» ибораси ҳам шу «ақлли» машиналар тўфайли муомалага кирди. Бугунги кунда эса «телевизион тиббиёт» тез ёрдам муолажаси, телекоммуникация, маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш соҳаларида амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Зеро, халқро доирада ўзига йўл толган илм-фаннинг бу йўналиши шифокорлар учун айниқса кўл келмоқда. Бу борада эришилган ютуқларнинг ҳозирги амалиёти имкониятлари республикамиз микросида ҳам тажрибаларда синаб кўриляётгани қувонарлидир.

Бундай изланиш билан боғлиқ дастлабки йирик тиббий тадбир ақинда яна бир бор ўз ижобий самарасини берди. Сап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси НАТО ташкилоти билан алоқа ўрнатиб, йирик илмий анжуман ўтказиш таяйёрлигини кўрди. Ушбу ташкилотнинг илмий қўмитаси бу саъй-ҳаракатни ижобий маълумлаб, алоҳида грант ажратди ҳам.

«Кибернетика» бирлашмаси негизиде «Марказий Осиёда телетиббиёт: тезкор тиббиётда қўлланиш» деган мавзуда илмий-амалий семинар ўтказиш дастури тайёрланди. Анжуманда тезкор тиббий ёрдам кўрсатишда телевизия узатиш воситаларини қўллаш муаммолари доирасида яхши фикр ва мулоқазалар билдирилди. Тезкор тиббий ёрдамнинг республикамизда учун жиҳдий янги тизимини яратиш истиқболлари белгиланди.

Марказий Осиёда телевизия тиббий хизмати йўлга қўйишга қаратилган маърузалар анжуманда катта қизиқчи уйғотди. Бу чиқишларда «Тез тиббий ёрдам» станцияларини компьютерлаштириш, шифоҳоналарини электрон маълумотлар билан алмашув тармоғини ташкил этиш билан боғлиқ муҳим масалалар кенг ёритилди.

Америкадаги Вашингтон университети тиббий марказининг Рейган номидаги факултетида тиббиёт институти олимлари билан ўтказилган телеконференция ҳам қўпчиликда қизиқчи уйғотди. Айниқса, денгиз кемаларида телетиббиётни қўллашга доир маълумотлар шу институт билан тўғридан-тўғри телевизия кўрсатув орқали анжуман иштирокчиларига етказилди.

Женева билан боғланган телевизия алоқа ҳам анжуман дастуридан ўрин олди. Республика кўкрак жарроҳлиги марказида ўтириб, бу кўрсатуви томоша қилган шифокор олимлар жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг телетиббиёт сайтлари бўйича раҳбари доктор Салах Мандил қилган маърузани бевосита тингладилар. Шу суҳбат чоғида анжуман залидан туриб маърузачи билан ўзаро мулоқот ҳам бўлди. Савол-жавобларда тиббиёт ахборот тармоқларини ривожлантириш, телетиббиёт йўналишида узоқ масофадан туриб турли муолажаларни қузатиш каби масалаларга ҳам эътибор берилди.

Анжуманда Марказий Осиё мамлакатларида телетиббиётни янада ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республикамизда кибернетиканинг телетиббиёт соҳаси йўналиши сари дадил қадам қўйилди. Бу эса шу соҳа ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ақбар АЛИЕВ



Бугунги лавҳамиз қаҳрамони Юнусобод туманидаги КРИДИ — Ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамияти раҳбари Феруза Восикова ва унинг сардошлари ҳозирда айтганимиз ҳаёт иморатига гишт қўйган саховатли инсонлар сирасига кирди. Чунки тумандаги сирсонан заиф болажонлар дардиға маҳкам бўлаётган бу инсонлар қалби меҳрга ташна болажонларни ҳаётга қайтариш, уларға касб ўргатиш, соғлиғини тиклаш билан бериш борасида ҳайри, эзгу, савоб ишларни амалға оширмоқдаларки, таъриф тухсинға тил оҳиз. Биз бу инсонларни бир сўз билан эзгулик улашаётганлар дея атаган бўлардик. Зеро, улуг бобомиз Амир Темур соҳибқирон хазратлари узуклари муҳрига куйидаги жумлани ўйиб ёздирганлари беҳиз эмас: «Эзгулик мисоли бир ёғду, ул нур забт этган қалб доимо яхшиликка интилади».

Аслида КРИДИ — Ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамиятининг иш бошлаганиға хали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо 1998 йилнинг 3 апрелида кўримсиз, шароити йўқ биттагина хонада фаолият бошлаган мазкур жамиятнинг айни кунларда 923 нафар ногирон болажонларға раҳнамолик қилаётгани таҳсинға лойиқ, 6 нафар КРИДИ ходимлари ҳамда кўнгилчилари Манзура Исмаева, Дилбар Расулова, Зарофат Абдураҳмонова ва Наима Аҳмадовалар саъй-ҳаракатлари билан шу кунғача ашула, инглиз тили, математика, немис тили, косметология, сартарошлик, қозғондан ҳар хил шаклда буюмлар ясаш, каштачилик, лотин алифбоси асосидаги ўзбек тили ва адабиёти, жисмоний тарбия ҳамда спортнинг қаратэ тури билан шуғуланувчи тўғрақлар ташкил этилди. Очигини айтганда бу ишларни амалға оширишнинг ўзи бўлмади албатта. Чунки КРИДИға биттагина хона сўзсиз торлик қилар, шу боис Феруза Восикова елиб-югуриб, Юнусобод туман ҳокимлигининг ёрдами билан 494-болалар богчасининг 2 та хонасига жойлашиб фаолиятини давом эттирди. Ҳозирда КРИДИ жойлашган хоналар сони 10 таға етди-ю, барибир яна хона тақчилиги сезилмоқда. Дарвоқе, йиллар мобайнида фойдаланилмай қаровисиз ҳолда етган 494-боғчадаги сувиш ҳавзаси ҳам ҳозир КРИДИ аъзолари бўлиши ногирон болалар хизматида. Неға деганда жамият ходимлари елиб-югуриб ҳомийлар ёрдамида ҳавзани тазмирлаб фойдаланишға таяёр ҳолға келтирилгани болажонлар учун айни муқддо бўлди-да.

Ўз ишининг фидойиси Феруза опа билан танишмоқ ва дилдан суҳбатлашмоқ ниётида 494-боғчаға етиб борганимизда жамият ходимлари хашар уюштириб боғча ҳовлисини ораста ҳолға келтираётган эканлар. Саломалиқдан сўнг опа ҳасрат қилди кетди.

— Компьютер синфи ташкил қилиш ниётидаими. Айрим ҳомийлар совға қилган компьютерларимиз йўқ эмас. Аммо ҳаммасининг бирон камчилиги борлиги ёмон-да...

— Феруза опа, аслида шифокор бўлган экансиз, ногиронлик муаммолари билан шуғуланганидан жамиятнинг асли бунга қизиқганинги улардан нимаси билан фарқ қилади?

— Саволнингиздаги шашъани тўшундим, укажон. Табиб табиб эмас, бошдан ўтган табиб деган гап ҳақиқатан рост экан. Дарҳақиқат, шифокор бўлишни орзу қилиб Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария факултетига беш йил таҳсил олганман. Абдуҷамил акаға турмушға чиқдим-у... У киши ҳарбий соҳа мутахассиси бўлганларини сабабини Афғонистонға икки йиллик хизматта қақирдиллар. Албатта, мен ҳам ёнлариде бўлдим. Аммо... Уруш, вайронгарчилик, бир бирини ўлдириб, қириш нима эканини ўзини ҳамма ҳам билармайдик. Мен эса ўз кўзин билан кўрдим, қалбон хис этдим. Очиғини айтмай, у ерда бир кунлик ўтган умриға шукр қилиб яшашлар ҳарбийлар. Хуллас, уша ерда биринчи фарзандим Жамшид туғилди. Аммо болам ногирон, жисмоний ҳаракати жуда чекланган эди. Афғондан уруш дахшатлари менға салбий таъсир қилиб, натижада бола мажруҳ туғилганини шифокорлардан билдим. Кўзимға дунё қорони кўриниб кетди. Фарзандимнинг оёқға турғазис максадида эр-хотин Жамшидини 11 кунлик дунё шифокорларға қаратдик. Болам 5,5 ёшиғача 10 марта собиқ иттифоннинг кўзага кўринган клиникаларида, 8 мартада Венгрияда жарроҳлик столиға етишға мажбур бўлди. Ана шу 18 операциядан сўнггина бола қийналса-да ўзи ярадиган ҳолға келди. Кейин Абдуҷалол, Лола, Наргизалар шукрки соппа-соғ туғилган. Ҳозир мени қувонтирадигани Жамшид қўлтиктаёқ ёрда-

Шарқ дурдоналари
Оз-Оз ўрғаниб
Домо бўлув...

ҚУТЛУФ КАДАМЛАР...

Отам бизларға улуг уламолар ва машҳур машойихларнинг ҳаёти ҳақида кўп ҳикоя қилардилар. Бизларни авлиёларнинг кўрсатган қароматлари ва гайри табиий қобилиятлари қизиқтирар, мўъжизавий олам сирлари ўзига ром этар эди.

**Қанчалаб ўтибдир улуг валийлар,
Илму маърифатға тўлуғ валийлар,
Тасаввуф байрогини бандон кўтарган,
Босган қадамлари қутлуғ валийлар.**

Биз ака-укалар қиблагўҳимизнинг ҳам авлиё бўлишларини, кашфу қароматлар кўрсатишларини, йўқ нарсаларни бор қилиб қўйишларини жуда хоҳлар эдик. Бироқ, отамиз бўшади дегунча муқкамал биласиз, китоб ўқишға машғул бўлардилар.

Кунлардан бир кун катта акам Абдулҳай Маҳсум падари бузрукворимни астойдил қистовға олмоқчи бўлди.

— Дада, сиз авлиёларнинг барча қолдарини биласиз, улуг уламосиз, араб ва форс тилларини муқамал биласиз, кеча-кундуз китоб ўқийвериш ўрниға авлиёликка уринсангиз бўлмайди?

Қиблагўҳим қизиқиб китоб ўқийтган бўлсалар керак, акамнинг ҳалақит берганидан жаҳллари чиқди:

— Нима, сизға юрагимни ёриб, ичини кўрсатмайми?! — дедилар.

Акам бошқа индаёлмай қолдилар.

Кейинчалик ўзим тасаввуф нима, авлиёлардан кўзланган мақсад қандайлигини ўқиб англаганимдан кейин, билдимки, бу соҳадаги энг улуг иш авлиёларни билдирмаслик, қароматфурушлик қилмаслик, ўзининг илмини туну-кун ошира бориб, бошиға келган барча қуфатларға чидаш, одамларға қўлидан келганича яхшилик қилишдан иборат экан.

Мен одамлардан отамнинг баъзи қароматларини эшитиб юрардим, бироқ ўзим айнан кўрмаган эдим, негаки умримнинг кўп қисми қиблагўҳимдан узоқда, Тошкентда ўтар эди. Бир йили таътил пайтида Марҳаматға бордим. Китоблардан ўқиб олган усулим бўйича қиблагўҳимнинг авлиёлик қувватини синаб кўрмоқчи бўлдим. Бир неча биродарлар доирасида гаплашиб ўтирар эканмиз, қалб орқали падари бузрукворимнинг қалбларини ўзимға торта бошладим. Бундай ҳолни Али Сафийнинг «Раҳшохот» китобидан ўқиган эдим. Бунинг тафсилоти шундайки, Хожа Аҳрори Валийнинг яқин дўсти Мавлоно Саъдуддин Қошғарий ўз шогирдини Шамсуддин Мухаммад Раважий билан бир дўстиникиға боради. Улар айвонда фикран гаплашиб билан банд бўладилар. Раважий нарироққа бориб, бир тўнка устиға ўтиради ва бекорчиликдан нима қилишни билмай, ўз пирини қалбини торта бошлайди. Шунда пири: «Шамсуддин, жим ўтир, ҳалақит берма», деб пўписа қилади.

Авлиё гапирар — даҳан керакмас,
Ёки унға махсус макон керакмас.
Лаҳзада фикрини етқиза олмай,
Бунинг-чун соату замон керакмас.

Қиблагўҳим гапириб ўтирган ҳолларида елкамға оғир юк ташладилар. Форс тасаввуф адабиётида буни «бор андохтан» («юк ташламоқ») дейилади. Бунға тазқирларда мисоллар кўп...

Мен қиблагўҳим ташлаган «юк»ни кўтаролмай, тобора ерга кириб борардим. Охири ўзимни у ёқ-бу ёққа ташлаб, фикримни қалгитиб, юк остидан чиқиб кетдим.

**Раво юклар бордир, нораво юклар,
Бирини даво, бири бедаво юклар.
Авлиёнинг юки ҳаммадан оғир,
Ташламасин ногўҳ авлиё юклар.**

Бу ҳолатнинг ростдан отам томонидан бўлган бўлмаганиға тўлиқ ишонч ҳосил қилолмаган эдим. Бошқа кун меҳмонхонага кирсам, беш-олти киши бор экан. Қиблагўҳим оташин бўлиб, ўзига душманчилик қилиб юрган бир одам ҳақида сўзлаётган эканлар. Бўш жойға келиб ўтирдим. Падари бузрукворимнинг гапиратганларини кўриб, ичимда: «Уларнинг ғазаби жуда ўткир-да», дедим. Шу пайт отам сўзларини охириға етқизмасдан тўхта қолдилар. Бошимни кўтариб, уларға қарадим. Мен шундан сўнг қиблагўҳимда авлиёлик борлиғиға тўлиқ ишондим...

Махмуд ҲАСАНИЙ

2001 — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

**Эзгулик улашаётган
меҳридарёлар**



Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиши керак, деганларидек, бу дунёда инсондан ўзгаларға қилган яхшилик эзгу ишлари, саховатпешалиғи ўзгалар хислатлари мерос бўлиб қолади холос. Ҳаётини ўзгалар билан ташқис қилмайдиган бўлсак, кимдир ўзидан яхши ном қолдириш учун ишбу иморатға ақалли биттасини бўлсада гишт қўяди, кимдир эса...

Гулқарам боши барғлар билан ўралган бўлиб, қалин жойлашган муртақ гуллардан ташкил топган. Улар йўгон шохлаб кетган қисқа бандаларға жойлашган. Унинг баргсиз бошлари овқатға ишлатилади. Ўрта Осиёда гулқарамнинг ўртача, эрталишар, тезпишар навлари экилади. Гулқарам таркибида жуда кўп фойдали витаминлар мўл бўлиб, сув, қанд моддаси, оқсил, минерал тузлар, С витамини ҳамда РР, К, В¹, В², В³ витаминлари ва каротин мавжуд. Гулқарам инсон организмиде жуда яхши ҳазм бўлади.

ГУЛҚАРАМ

Гулқарам бошиға қўпича қўрт-қумурсқалар жойлашиб олади. Шунинг учун уни ишлатишдан олдин туз солинган совуқ сувға 30-40 минут солиб қўйиш керак. Ҳозирги кунда гулқарамнинг айни пишиб етилган даври. Қўпчилик қовурма гулқарамни севиб истеъмол қилади. Қовурма гулқарам қўйидаги таяёрланади: гулқарамнинг гул

шоҳлари ўзадиган ажратилади. Масаллиқни совуқ сувда бир-икки чайқаб олингандан кейин қайнаб турган тузли сувға солиб 20-25 дақиқа қайнатилади. Ярим тайёр қарамни сувдан олиб совутилгач қичик бўлақларға ажратилади ва яхшилаб аталанган туҳумға буланиб қизиб турган ёғда ҳамма томон қизартириб пиширилади. Пишган гулқарам устиға майда турралган саримсоқ ва укроп сепиб, ёниға бодиринг ва помидор туғрайлиқларда дастурхонға тортилади. Бу хушхўр ва мазали таомнинг барчаға манзур бўлиши турган гап.

ГУЛОРОМ тайёрлаган.

